Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

24 МАРТ 1969 й
ДУШАНБА
№ 70 (834).
4-йил чиқиши
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

Тошкент асбобсозлик заводининг ишчилари ўртасида беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини муддатидан илгари адо этиш ҳаракати кенг қулоч ёзмоқда.

Заводнинг пешқадам ишчиси слесарь-созловчи Р. Сирожиддинова муҳим буюртмаларни тайёрлаш устида ишламоқда.

Коммунистик меҳнат зарбдори И. Ҳасанов янги деталь сифатини текширяпти. Бу икки пешқадам ишчи ҳозир апрель ойи топшириқларини бажариш устида ишлаётир.



● *Шаҳримиз янгиликлари*

МИТТИ АППАРАТ

Ленинград Алоқа илмий-текшириш институтининг ходимлари томонидан яратилган ион лампа ва ярим ўтказгичлардан ишланган комплекс қўшма аппарат Тошкент телефон станцияси бошқармасида пайдо бўлиб қолди.

Бир йўла 2 та алоҳида-алоҳида телефон номерларига хизмат қилувчи бу аппарат шу пайтгача шу ўринда хизмат қилиб келган «Блокиатор» дан қатор қулайликлари билан ажралиб туради.

Алоқа ходимлари авваллари «Блокиатор»ни ўрнатиш учун кўп вақт сарф қилган бўлсалар, ҳозир уларга ўрнатиш учун ҳаммаси бўлиб 20 минут вақт ва блокиаторга кетадиган симнинг ярмиси кифоя.

Гугурт қутисидек келадиган бу аппарат «Блокиатор»дан 10-12 марта ихчам тузилган.

Митти аппаратнинг қулайликларидан алоқа ходимларигина эмас, балки телефон хизматидан фойдаланувчи кишилар ҳам хурсанд бўлишяпти.

Аппаратнинг ишлаш ва ўрнатиш принципи биринчи марта Тошкент телефон станциясининг катта инженери Неъмат Умаров томонидан ўрганилди, ҳозир эса телефончи монтёрларнинг кўплари ундан фойдаланиш йўлларини тўла ўзлаштирмоқдалар.

Э. ЖУРАЕВ.

ТЎЁНА

Тошкентдаги «Ўртоқ» кондитер фабрикаси қандолатчилари тайёрлаётган ширинликлар элга жуда мазали бўлмоқда. Бу ерда ҳар куни 75—80 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Фабрикада В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига социалистик мусобақа қизитиляпти. Бу мусобақада корхонанинг конфет цехи ишчилари илғорликни қўлдан бермаяптилар. Цех ишчилари ҳар куни эл дастурхонига 8—10 хил биринчи сортли маҳсулот тортиқ қилмоқдалар.

— Қўлга киритилаётган ютуқда қандолатчилардан М. Қўчқорова, Т. Баева, С. Садирова, Н. Полегова, А. Хўжаева, С. Басироваларнинг қўшаётган ҳиссаси салмоқлидир, — дейди цех бошлиғи Восиқ Хайдаров. Улар ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаб, доҳий юбилейига муносиб тўёналар тайёрламоқдалар.

Тошкент — Жаҳонга

БУЮРТМА АСОСИДА

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Қўйлиқ ремонт механика заводида тайёрланаётган 40 тонналик гидравлик пресслар Иттифоқимиздагина эмас, балки хорижий элларда ҳам шуҳрат қозонган.

Шу кунларда корхона адресига Чехословакия, Вьетнам Демократик Республикаси, Куба, Монголия Халқ Республикаси, Афғонистон, Бирлашган Араб Республикаси ва бошқа эллардан буюртмалар келиб турибди.

БУГУН корхона коллективи ана шу буюртма асосида тайёрланган гидравлик пресслардан бир қанчасини чет элга жўнатди. Озодлик ороли—Куба Республикасига 11 та гидропресс юборилди.


МОСКВА КЕНГАШИГА

БУГУН

Ўзбекистон ёш ёзувчиларидан бир группаси Ватанимизнинг пойтахти Москвага самолётда учиб кетди. Қалам ахиллари Бутуниттифоқ ёш ёзувчиларининг кенгашида иштирок этадилар.

Жўнаб кетганлар орасида Юсуф Шомансур, Раҳим Фарҳодий, Абдулла Орипов, Жамол Камол, Николай Буланов ва бошқалар бор.

Ёш ёзувчиларимиз Москвада атоқли совет адиблари билан учрашадилар, пойтахтнинг диққатга сазовор жойлари билан танишадилар.



Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида.

СУРАТДА: қишлоқ хўжалик техникумининг бир группа студентлари ўқитувчи И. Қосимов раҳбарлигида янги қишлоқ хўжалиги техникаси билан танишмоқдалар. М. Нуриддинов фотолари.

ОТА-ОНАЛАР МАМНУН

Тўқимачилик комбинати партия комитетининг ташаббуси билан ташкил этилган ота-оналар университетининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти катта ўқитувчиси Р. Каримова «Болаларнинг жисмоний ва психологик тараққиётида ёшга тааллуқли хусусиятлар» деган мавзуда лекция ўқиди. Машғулотга тўпланган корхона ишчи-хизматчилари—ота-оналар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

Мактаб ўқувчиларининг баҳорги каникули бошланди. Ўқувчиларнинг каникул даврида мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун шаҳримиздаги томоша залларининг коллективлари катта тайёргарлик кўрдилар. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат катта академик театри, Ҳамза номидаги Давлат академик драма театри. Муқимий номидаги Ўзбек давлат музикали драма ва комедия театрининг коллективлари мактаб ўқувчиларининг баҳорги каникул кунларида намойиш қиладиган спектакллари рўйхатини тузиб чиқдилар. Навоий номли катта академик театр репертуарида «Олтин калитча», «Этик кийган мушук», «Доктор Айболит» ва бошқа спектакллар бор. Улар яқиндагина томошабинларга совға қилган «Улик малика ва сеҳрли баҳодир ҳақида эртак»ни ҳам ўқувчиларга кўрсатадилар.

Свердлов номли концерт залида музикали абонементлар бўйича мактаб ўқувчилари учун В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан «У кунлар шуҳрати ўчмас», «Олтин саҳифалар» деган адабий-музикали композициялар ўтказилади.

Тошкент Давлат циркида совет цирки усталарининг гастроллари давом этади. Бундан ташқари, «Ёш гвардия», ёш томошабинлар театри коллективлари ҳам тайёргарлик кўрдилар. Хатто бошланғич синф ўқувчилари ҳам каникул даврида зерикиб қолмасликлари учун қўғирчоқ театри «Қор малика», «Золушка», «Қизғанчиқ Серёжка ҳақида» ва бошқа бир неча томошаларни намойиш қилади.

● *В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан*

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ



Чилонзор районидаги саноат корхоналари ва ташкилотлари коллективларининг социалистик мажбуриятлари

ЧИЛОНЗОР районидаги саноат корхоналари, транспорт, алоқа ташкилотларининг коллективлари учун В. И. Ленин васиятларига амал қилишдан, фидокорона тер тўкиб, Ленин орзуларини амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшишдан юқори ва олижаноб мақсад йўқ.

Райондаги корхоналар ва ташкилотларнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ана шу мақсад йўлида 1969 йил учун қуйидагича оширилган социалистик мажбурият қабул қилдилар:

— йиллик планни муддатидан илгари, 25 декабрда бажариш, топшириққа қўшимча суратда 3,6 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

— янги техникани, прогрессив технологияни жорий этиш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ҳисобига меҳнат унумдорлигини планда белгиланган кўрсаткичдан саноат бўйича уч процент, қурилиш бўйича икки процент ошириб бажариш;

— ишлаб чиқарилаётган буюмлар сифатини тобора ошира бориш ва маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига 680 минг сўм тежаш;

— ишлаб чиқариш қувватидан оқилона фойдаланиш ҳисобига пландан ташқари 720 минг сўмлик фойда олиш.

★ Рационализаторлик ва ихтирочилик ишига катта эътибор бериш билан рационализаторлар сонини 1000 кишига етказиш, рационализаторлик таклифларини жорий этишдан йилига 250 минг сўмлик шартли фойда олиш;

★ Иқтисодий тежамкорлик учун бошланган ҳаракатни тобора кенгайтира бориб, хом ашё ва материаллардан оқилона фойдаланиш ҳисобига 1969 йилда 300 минг сўмлик хом ашё ва материаллар, 200 тонна қора ва рангли металлар тежаш.

ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

Гўшт комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари қарор қилдилар:

— йил охиригача пландан ташқари 250 минг сўмлик маҳсулот, 100 тонна гўшт, 20 тонна ярим тайёр гўшт маҳсулотлари реализация қилиш;

— товар маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини топшириқдагига нисбатан 0,1 процент камайтириш ва пландан ташқари 50 минг сўмлик жамғарма бериш;

— меҳнатни илмий ташкил этишнинг икки планини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Озиқ-овқатчиларга

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги Марказий конструкторлик-технология бюроси қабул қилган социалистик мажбуриятдаги пунктлардан бирида—лойиҳа-смета ҳужжатларя ишлаб чиқариш бўйича тематик планни муддатидан илгари, 25 декабрда бажариш кўрсатиб ўтилган.

Конструкторлар ва лойиҳачилар, шунингдек, лойиҳа тайёрлашда автоматика ва механизация воситаларидан фойдаланиш, янги технологик схемаларини жорий этиш ҳисобига лойиҳа-смета ишлари таннархини 10 процент камайтиришга эришишга қарор қилдилар.

Хилма-хил совғалар

«Сувенир» фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари қуйидаги мажбуриятни олдилар:

— йиллик ишлаб чиқариш планини 15 декабрда бажариш, планга қўшимча 300 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш;

— совғаларнинг 27 янги хилини, шу жумладан ёғоч, суяк, шох, пластмасса, тошдан ясалган хилларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

Пластмасса буюмлари заводининг коллективи:

— пландан ташқари 100 минг сўмлик маҳсулот бериш;

— маҳсулотнинг икки янги хилини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, автомат-поток линияни, асбобларни совуқ усулда сиқиш методи асосида прессформалар тайёрлашнинг прогрессив технологиясини ишлаб чиқаришга жорий этиш мажбуриятини олди.

СУТ ДАРЁСИ

Сут комбинатининг коллективи ҳам беш йилликнинг тўртинчи йили фондига қуйидагича муносиб ҳисса қўшиш мажбуриятини олди:

— 1969 йилда пландан ташқари 125 минг сўмлик, яъни 650 тонна мойи олинмаган сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

— ишлаб чиқаришдаги барча ишчиларга қўшимча касб ўргатиш;

ЭНЕРГЕТИКЛАР ҲИССАСИ

Ускуна ва иншоотларнинг яхши ишлашини таъминлаш, сув оқимларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига пландан ташқари 5 миллион киловатт-соат электр энергия ишлаб чиқариш,— Тошкент ГЭСи каскади коллективининг социалистик мажбуриятидаги асосий пунктлардан бири ана шундайдир.

ТАРМОҚЛАР КЕНГАЯДИ

«Шаҳар водопроводи қувватини суткасига 70 минг кубометрга ошириш, канализация тармоқлари ва коллекторлар узунлигини 41 километрга етказиш», — Тошкент «Водоканал» трести коллективи қабул қилган социалистик мажбуриятнинг асосий пунктларидан бирида ана шундай дейилган.

ЖАҲОН ЯГОНА ТИЛДА ГАПЛАШАДИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг қарори билан Тошкент олимлар уйида ташкил топган эсперанто секцияси эсперанточилар клубига айлантирилди.

Бу клуб бундан 13 йил илгари ташкил этилган эди. Шу муддат ичида эсперанточилар жаҳоннинг 100 га яқин мамлакатлари билан алоқа ўрнатдилар. Ягона эсперанто тили дўстликка интилувчи мамлакат кишиларини бирлаштирмоқда.

Эсперанто тилини ўрганиш иштиёқида бўлган кишилар турли касб эгаларидир. Журналистлар Ш. Зайнутдинов, С. Бассин, слесарь Е. Первертайло, инженер П. Полушчук, ўқитувчи Э. Збаровский, пенсионер И. Ковалевский ва бошқалар шулар жумласидан. Буларнинг кўпчилиги эсперанто тили орқали Америка, Франция каби мамлакат эсперанточилари билан шахсий алоқа ўрнатганлар.

Тошкент эсперанточилар клуби Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Чехословакия сингари барча социалистик мамлакатлардаги эсперанточилар клублари билан дўстлик мактублари ёзишиб туради.

Жаҳондаги эсперанточилардан олинган совғалар, мактублар асосида кўргазма ташкил қилинди. Бу кўргазма жаҳон эсперанточиларининг яхши ният йўлидаги дўстлигидан энг яхши нишонадир.



«Академкнига»нинг Бутуниттифоқ «Наука» нашриётига қарашли Карл Маркс кўчасидаги Тошкент бўлимида ҳар ойда 9 минг сўмлик турли хил соҳаларга оид китоблар сотилади.

СУРАТДА: магазин сотувчиси Ж. Болтабоева харидорлар хизматида.

«КОСМОС—273» ТАСС АХБОРОТИ

1969 йил 22 мартда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос—273» учирилди.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация ҳисоблаш марказ олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

Янги студия

«Қизил тонг» фирмасининг маданият саройида мимика студияси тузилди. Янги ташкил топган студияга Ўзбек давлат филармониясининг артисти Н. Искалиев раҳбарлик қилади.

Мимика студиясининг коллективи ўзининг дастлабки спектаклини Халқаро хотин-қизлар куни—8 мартда намойиш қилди.

Кейинчалик ана шу студия асосида фирма ишчиларининг пантомима театри ташкил топади.

Кутубхоналар

Киров район маданият бўлими Уста Ширин кўчасида янги кутубхона очишга тайёргарлик кўряпти. Бир неча минг китоб фонди бўладиган бу кутубхонада турли хил учрашувлар, кечалар ўтказилади.

Яна шундай кутубхона «Марказ—4» кварталидаги 1-уйда иш бошлаяпти. Ўқувчилар учун бу ерда 8 минг жилд китоб ажратилган.

«Победа» маданият ва истироҳат боғининг ёнбошидаги Чехов номли кутубхона «Марказ—5» кварталида бунёд этилган янги бинога кўчирилди. Унинг 38 минг жилдли китоб фонди ва бир неча минг ўқувчиси бор.

ИШЧИЛАР ҒАЗАБИ

В. И. Ленин номидаги якка буюртмалар фабрикасининг ишчи-хизматчилари маочиларнинг Совет чегарасидаги иғвогарлик ҳаракатлари муносабати билан норозилик митингига тўпланиб, ўз қаҳр-ғазабларини билдирдилар.

Фабрика партия ташкилотининг секретари В. К. Бадракова митингни очиб, хитойлик иғвогарларнинг қилган бебошлиги ҳақида гапирди.

— Мао бошлиқ бузғунчиларнинг хатти-ҳаракатлари ҳаммамизни ғазаблантирмоқда, — деди фабрика директори А. Мўминхўжаев. Улар сурбетлик билан муқаддас ва даҳлсиз совет чегарасига хуруж қилишди. Лекин баҳодир ўғлонларимиз — чегарачиларимиз уларни улоқтириб ташладилар.

Митингда сўзга чиққан тикувчи Н. Гуломова, О. Жукова, Ж. Зоҳидова ва бошқа ўртоқлар Совет ҳукуматининг баёнотини яқдиллик билан маъқуллашдилар.



«Известия» газетасининг фото мухбирлари томонидан ташкил этилган «Даманск оролидаги воқеаларга доир» фото репортаж шаҳримиз меҳнаткашларини совет чегарачиларининг қаҳрамонлиги билан яқиндан танништирмоқда.

СУРАТДА: Карл Маркс кўчасидаги ана шу фотовитрина олдида.

СОВЕТ БОШҚИРДИСТОНИ — 50 ЁШДА

УФА, 22 март. (ТАСС мухбири). Бугун республика опера ва балет театрч биносида КПСС Бошқирдистон область комитети билан Бошқирдистон АССР Олий Советининг Бошқирдистон Автоном Совет Социалистик Республикаси 50 йиллигига бағишланган қўшма тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни КПСС Бошқирдистон область комитетининг биринчи секретари З. Н. Нуриев очди.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко нутқ сўзлади.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, РСФСР Олий Совети Президиумининг раиси М. А. Яснов мажлис аҳлининг гулдурос қарсаклари остида республика байроғига Октябрь Революцияси орденини қадаб қўйди. (ТАСС).

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ XII ЧАҚИРИҚ 1-СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети депутатларга маълум қиладики, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг XII чақириқ биринчи сессияси 1969 йил 25 март соат 15.00 да республика «Билим» уйида (Киров кўчаси, 24-уй) чақирилади.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети сессия кун тартибига ташкилий масалаларни қўяди.

Депутатлар «Билим» уйида 1969 йил 25 мартда соат 14.00 дан рўйхатга олинади.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

ОБ-ХАВО БУГУН

кечаси қор ёғади, 1—3 даража совуқ бўлади. Эртага кундузи ёғингарчилик тўхтайди, 2—4 даража иссиқ бўлади.

В. И. ЛЕНИН СОВЕТ СУДИ ҲАҚИДА



Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабаси натижасида вужудга келган Совет суди энг демократик принциплар асосида тузилиб, доҳий Ленининг бевосита иштирокида ўзининг биринчи қадамларини босди.

В. И. Ленин Совет суди — бу жаҳон тарихи билмаган янги суд, унинг олдига янги улуғвор вазифалар қўйилади, деб уқтирган эди. СССРда Совет судларини сайлаш принциплари қатъий суратда амалга оширилди.

Кўпгина халқ демократияси мамлакатларида ҳам судларнинг сайлаш принципи биздаги кабидир.

Бир қатор империалистик мамлакатларда судлар сайланмайди, балки тайинланади.

Америка Қўшма Штатларининг айрим штатларида ва Швецариянинг бир қатор маъмурий территорияларида судлар сайланса-да, улар тайинланганлар сингари мол мия капитали вакилларига қарам бўлиб, масалани уларнинг фойдасига ҳал қиладилар.

Доҳий В. И. Ленин 1918 йили партиянинг VII съездида давлатни қуриш вазифаларини аниқлашда «Гражданлар судда ҳам, мамлакатни идора қилишда ҳам ёппасига иштирок этишлари лозим», — деган эди. Бу ҳол Совет давлат аппаратининг бутун фаолияти — меҳнаткашлар оммаси билан чамбарчас боғланган, чинакам демократик принциплар билан суғорилганлигини кўрсатади.

Район (шаҳар) халқ судларининг халқ маслаҳатчилари ўзлари ишлаб турган ёки истиқомат қилаётган жойларда яшчилар, хизматчилар ва деҳқонларнинг умумий йиғилишларида, сайлов кунигача 25 ёшга тўлган ҳар бир совет гражданы икки йил муддатга очиқ овоз бериш йўли билан сайланиши мумкин.

Халқ маслаҳатчиларини фақат уларни сайлаган сайловчилар ёки меҳнаткашлар депутатлари Советларигина чақириб олишлари мумкин.

В. И. Ленин 1918 йил январь ойида бўлиб ўтган Бутунроссия Советларининг III съездида сўзлаган нутқида, судлар тўғрисида бундай деган эди:

«Сизлар эски суднн ислоҳ қилмай, уни бирданига бузиб ташладингиз, деб баҳираберсинлар. Биз бундай қилишимиз билан чинакам халқ суди учун йўл очдик ва жазо тадбирларини биланги на эмас, балки, аввало, омманинг намуна кўрсатиши, меҳнаткашларнинг эрўйи воситаси ила, расмиятчиликка йўл қўймай, эксплуатация қуроли бўлган суддан социалистик жамиятнинг мустаҳкам асосларига таянган тарбия қуролини яратдик».

Шундай қилиб, бизда чинакам халқ суди учун йўл очилди. Ҳа, Совет суди чинакам демократик принциплар асосида тузилган, судьялар ва меҳнаткашларнинг вакиллари бўлган халқ маслаҳатчилари мустақил бўлиб, бизда одил судлов қонунига батамом мувофиқ суратда амалга оширилади.

У чинакам демократик негизларга асосланади ва ўз фаолиятида халқ билан мустаҳкам алоқада бўладилар. Суд юргизиш ишлари Иттифоқдош ва автоном республикаларда миллий тилларда, масалан, ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман ва бошқа тилларда олиб борилади.

Айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланиши, қонунда истисно қилинмаган бўлса ишларнинг очиқ кўрилиши, гражданларнинг ижтимоий ва мулкий аҳволига, хизмат даражаларига, қайси миллат ва диний эътиқодларига қарамасдан, уларнинг қонун ва суд олдида тенг бўлишлари ҳамма ишларнинг коллегиал асосида кўрилиши ҳам бизнинг судимиз чинакам халқ суди эканлигининг ёрқин ифодасидир.

Совет суди ўзининг бутун фаолияти билан гражданларнинг Ватанга ва коммунизм ишига садоқат руҳида, Совет қонунларини аниқ ва огишмай бажариш, социалистик мулкка нисбатан эҳтиёткорона муомалада бўлиш руҳида, меҳнат интизомига риоя қилиш, давлат ва жамоат бурчига виждон билан қараш руҳида, гражданларнинг қадр-қиммати ва ҳуқуқларини, социалистик турмуш қоидаларини ҳурмат-лаш руҳида тарбиялайди деб уқтирилади.

Ўзбекистон ССР суд тузилиш қонунига кўра район (шаҳар) халқ суди халқ судьялари ва халқ маслаҳатчиларида, икки ёки ундан кўпроқ халқ судьялари бўлган район (шаҳар)ларда эса, бош халқ судьясидан, халқ судьяларидан ва халқ маслаҳатчиларидан иборат тузилади. Ҳар бир район (шаҳар) халқ судига сайланиши лозим бўлган халқ маслаҳатчиларининг сони Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область, Тошкент шаҳар Советларининг ижроия комитетлари томонидан белгиланади.

Бу халқ маслаҳатчилари судьяга тегишли барча ҳуқуқлардан тўла фойдаланадилар, суд органларининг кундалик ишига ёрдам кўрсатадилар. Уларнинг вазифаси мураккаб ва масъулиятлидир.

Бу суд халққа хизмат қилади ва ўз ишида халқнинг кенг ташаббусига ҳамда одил судловни амалга оширишда омманинг бевосита иштирок этишига таянади.

Бизнинг мамлакатимизда судьяларнинг, халқ маслаҳатчиларининг мустақиллиги эълон қилинибгина қолмай, балки ана шу мустақилликни таъминловчи аниқ гарантиялар ҳам белгиланган. Масалан: суд ҳукми ва ажримлари чиқариладиган маслаҳатхонасидаги маҳфийликни олайлик. Бу вақтда мазкур хонада мустақил иш бўйича суд составига кирувчилар ҳозир бўлиши мумкин, холос. Бошқа ҳар қандай шахсларнинг бу ерда ҳозир бўлишлигига йўл қўйилмайди. Мана шу суд составига кирувчи халқ маслаҳатчилари кўрилаётган ёки ҳукм чиқарилаётган иш юзасидан ўзларининг мустақил фикр ва мулоҳазаларини изҳор қиладилар.

Халқ маслаҳатчилари ўзларининг қобилиятлари, кучларига яраша сайловчилар томонидан топширилган масъул ишларни бажаришда фаол қатнашадилар.

Битта халқ судьяси бўлган район (шаҳар)ларда халқ судьяси вақтинча йўқлигида (касаллик, отпуска ва ҳ. к.) унинг вазифасини вақтинча бажариб туриш меҳнаткашлар депутатлари район (шаҳар) Совети ижроия комитетларининг қарори билан шу район бўйича сайланган халқ маслаҳатчиларидан бирига юклатилади.

Халқ маслаҳатчилари социалистик ҳуқуқ тартибларини кенг халқ оммаси орасида тарғиб қиладилар.

Д. РАЗЗОҚОВ,
ЎзССР Фанлар академияси философия ва ҳуқуқ институтининг илмий ходими.



Наташа Бурковскаянинг 1-пойафзал фабрикасида ишлаётганига икки йилдан сал ортиқроқ вақт бўлди. Н. Бурковская шу кунларда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, кунлик топшириқларни мунтазам 120—130 процент бажармоқда.

Н. Жуманиёзов фотоси.

• *Тошкент бунёдкорлари*

ПЕШҚА ДАМЛАР

Космонавтлар, олималар, врачлар, ўқитувчилар, биноқорлар, колхозчилар ва башқа касбларда хотин-қизларни учратиш мумкин. Ҳозирги кунда ишлаб чиқаришнинг ҳар бир соҳасида эришаётган ютуқларимизни аёлларнинг иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Оддий ишдан тортиб то ўта қаҳрамонлик, беқиёс жасоратдан иборат бўлган космосни забт этишда ҳам аёллар иштирок этмоқда.

Сиз пойтахтимизнинг Марказ —5 кварталидаги қурилиш участкаларига бир чиқиб кўринг-а, у ерда ленинча меҳнат вахтасида туриб фидокорона меҳнат қилаётган минглаб қурувчи аёлларимизни кўрасиз.

Улар орасида ўзининг ажойиб ишлари билан ҳаммага ўрнак бўлаётган ёш бир қиз бор. Ярославль қурилиш-монтаж поездининг 45-уй қурилиш участкасига бориб, истаган қурувчидан Екатрина Денисова ким деб сўрасангиз; улар сизга: «Пешқадам бригада бошлиғи», — деб жавоб беришади ва сизни ўрта бўйли, оқ сариқдан келган мовий кўз ёш бир қиз билан таништиради.

Ҳа, бу қиз коллективнинг бригадалари орасида энг ёш аъзолардан тузилган, лекин энг пешқадам бригада бошлиғи — Екатерина Денисова. Екатерина эндигина 25 баҳорни кўрган комсомол қиз. У 24 ёшида бригадир қилиб тайинланди.

Ёш бригадир ўзининг меҳнатсеварлиги, ўз ишига пухталиги, иш соҳасида эришаётган ажойиб ютуқлари билан ҳаммага намуна бўлмоқда, у бўёқчилар бригадасига раҳбарлик қилади.

Бригада январ. ойи планини 150 процент бажариб, коллективнинг пешқадами бўлди. Февраль ойида эса янада юқори кўрсаткичга эришилди, яъни ойлик планнинг 160 процент бажариб, жадвалнинг энг олдинги ўрнига чиқиб олди.

Бу пешқадам аёллар бригадаси ўзининг унумдор меҳнати ва ишдаги эришаётган улкан ютуқлари билан В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олмоқда. Бригада колективи яқинда қурувчилар томонидан фойдаланишга топширилган 80 квартирали 47 ва 49-уйларнинг пардозлашда ўз салмоқли ҳиссасини қўшди. Ҳозир улар 64 квартирали 45-уйда пардозлаш ишларини олиб боряпти. Бригада аъзолари бу бинони ҳам муддатидан илгари топширишга аҳд қилдилар.

К. АҲМАДЖОНОВ,
биноқор.

• *В. И. Ленин юбилейига зарбдор меҳнат*

Сифат ва унум учун кураш

Фирмамиз ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг сифати ва меҳнат унумдорлиги билан шаҳримиздаги корхоналар ўртасида ажралиб туради.

Яқинда фирмамиз ишлаб чиқаришни планлаштириш иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасида ишлашга ўтди. Янги системага ўтганимиздан кейин меҳнат унумдорлиги ҳам бир мунча ортди. Шу туфайли ўтган йилнинг IV кварталида ишлаб чиқариш планини 109 процент бажардик. Янги техникага алоқида эътибор бериш натижасида 38 минг сўмлик маблағ тежаб қолинди. Пландан ташқари 30 минг сўмлик ҳар хил пальто, костюм, аёллар кийимлари тайёрлаб, савдо магазинларига чиқардик.

Шуниси қувонарлики, фирмамизда илгаригидек жерси материалидан пальтолар ишлаб чиқарилмасди. Яқинда бу материалдан ҳам замонавий модада пальтолар тайёрланмоқда. Биз тайёрлаган жерси пальтолар харидорлардан кўплаб хатлар келмоқда. Бу хатларнинг барчасида бизнинг маҳсулотимиз сифатига юқори баҳо берилган. Бунга қувочмай бўладими, ахир! I кварталда харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини эътиборга олиб 100 минг сўмлик жерси пальтолар тайёрлаб чиқаришни планлаштирган эдик. Ҳозиргача 50 минг сўмликдан зиёд пальто тайёрладик.

Фирмамиз коллективи IV кварталдан буён 26 хил модани ишлаб чиқаришга жорий этди. Янги модалар эвазига тўртинчи кварталда 45,5 минг сўмлик давлат маблағини тежаб қолишга эришдик. Ўтган йил бошидан буён ишлаб чиқаришга қабул қилиб олинган модалар хили 115 тадан ошиб кетди. Жумладан 59 хили ёш болалар кийимидир.

Ўтган йили плиндан ташқари 195 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик.

Меҳнатни илмий ташкил этиш фирмамиз учун айниқса қўл келмоқда. Мавжуд 13 цехда ўтган йили меҳнатни илмий ташкил этишнинг 14 та плани жорий қилинди. Бунинг эвазига 38 минг сўмлик фойда олдик.


Яқинда Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигидан фирмамизга хушхабар келди. IV кварталда социалистик мусобақада эришган юқори кўрсаткичларимиз учун Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги ва касаба союзлари республика комитети таъсис этган иккинчи даражали пул мукофотини олишга муяссар бўлдик. Бу юксак мукофот коллективимизни янги меҳнат зафарларига чорламоқда.

Фирма аҳли беш йилликнинг тўртинчи йилини ҳам ғайрат камарини белга маҳкам боғлаган ҳолда бошлади. Дастлабки икки ойлик натижаларимиз ҳам яхши бўляпти. Йил бошидан буён 13 хил янги модани ишлаб чиқаришга жорий қилдик ва пландан ташқари 30 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрлаб чиқардик.

Планда белгиланганига мувофиқ I кварталда жами 177 минг дона эркак ва аёллар пальтоси тайёрланади. Жумладан, эркаклар учун 47 минг, аёллар учун 39 минг та болалар учун 91 минг та кийим-кечак ишлаб чиқарилади.

Доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига кўшилган коллективимиз бу йил 29 миллион 683 минг сўмлик, яъни 698 минг дона ҳар хил кийимлар ишлаб чиқариш ва 100 минг сўмлик маблағни тежаб қолиш учун ўзаро социалистик мусобақа асосида меҳнат қиляпти.

С. СУЛТОНОВА,
«Қизил тонг» фирмасининг директори.



Шаҳримиздаги В. И. Ленин музейи қурилишида иш кундан кунга жадаллашяпти.

СУРАТДА: музей қурилишида.

М. Нуриддинов фотоси.

Телеграфчи қиз

— Лида, мана бу аппарат яхши ишламаяпти, кўр-чи, ноложи бўлса, тезроқ... Шошилинч телеграмма узатаётган эдим.

Лида аппаратнинг у ёқ-бу ёғини текшириб, бузилган жойини «даволади...»

— Тузалди, ишлатишга мумкин.

— Лида, бўлақол, аппарат «ногриб» қолди.

Ҳа, Лидани телеграфчи қизлар ана шундай тез-тез йўқлаб туришади...

Лида Белицкаялар оиласини телеграфчилар оиласи дейиш мумкин. Чунки унинг ҳозир Приживалскда истиқомат қилаётган икки опаси ҳам телеграф хизматчилари. Лидада телеграфчилик касбига ҳавасни илк бор ўшалар уйғотишган. Лида Приживалскда ўрта мактабни тугатгач, Тошкентга келиб 4-профессионал билим юртига жойлашди. Ўқишга, ўрганишга, меҳнат қилишга чанқоқ қиз 1967 йили билим юртини тамомлаб, Марказий телеграф аппаратлари бўйича монтёр бўлиб ишлай бошлади. Мураккаб аппаратлар Лидани аввалига анча шошириб қўйди. Хатто, бир неча ойгача қизга булар ўта қийин туюлди. Лекин Лида ҳам бўш келмади: аппаратларнинг нормал ишламаслик сабабларини, уларни тузатиш йўлларини синчиклаб ўрганаборди. Баъзан смена инженерларини ёрдамга чақирди... Ниҳоят, вақт ўтиши билан, Лида ўз касбини пухта эгаллаб олди. Энди у унча-мунча қийинчиликларни писанд қилмайди.

Ишчан, камтар, толмас ташкилотчи, смена қомсорги Лида Белецкая энди Октябрь район Совети депутати сифатида жамоат ишларида ҳам актив қатнашмоқда.

О. ТЎХТАНАЗАРОВ.

• *Қишлоққа кўплаб машиналар*

МАЖБУРИЯТГА ЯРАША

15-механика йиғув цехини «Ташсельмаш» заводининг «юраги» дейиш мумкин. Чунки, бу ерда пахта териш машиналарининг ишчи органлари — шпинделли барабанлар ҳамда чўткали съёмниклар тайёрланади. Шунинг учун улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун тайёрланаётган цех коллективи меҳсулотларининг «аълоо» сифатли бўлиши учун ҳаракат қилмоқда.

Деҳқонларимизга кўплаб пахта териш машиналари етказиб бериш, олийжаноб ишга бел боғлаган цех коллективи ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, оширилган социалистик мажбурият қабул қилди. Мажбуриятда жумладан бундай дейилади:

— Асосий маҳсулотар ишлаб чиқариш бўйича йиллик планни 27 декабрда бажариш, плиндан ташқари 20 та машинага шпинделли барабанлар ва чўткали съёмниклар тайёрлаш, рационализаторлик таклифлари асосида 20 минг сўмлик иқтисодий фойда олиш, 100 кишининг шахсий белгиси бўлишига эришиш. 75 ишчига коммунистик меҳнат зарбдори номини бериш ва бошқа бир неча тадбирларни амалга ошириш.

Цех коллективи март ойида 750 та «17ХВ—1,8А» маркали пахта териш машиналарига шпинделли барабанлар ва чўткали съёмниклар, 37 минг дона шпиндель тайёрлаш, 132 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

Заводнинг кўчма Қизил байроғини олган коммунист Иван Желтобров бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадасининг аъзолари цехда илғорликни қўлдан бермай келаётирлар. Улар сменада 3400 ўрнига 3700 тадан шпиндель фрезеровка қилмоқдалар. Бригаданинг аъзоси, ёш коммунист Отабой Болтаевнинг меҳнати бошқа ишчиларга ўрнак бўлмоқда.

— Бригадамиз аъзолари қабул қилинган мажбуриятни бажариш учун вақт билан ҳисоблашмай меҳнат қилмоқдалар, — дейди О. Болтаев. — Мен ҳам шу ойда 17 минг дона шпинделни фрезеровка қилиш учун сўз берганман, аммо пахтакорларнинг биз машинасозларга ёзган Очиқ хатини ўқиганимдан кейин бу рақамни 20 мингтага оширдим. Ҳозир сменада 700 ўрнига 800—820 тадан шпиндель фрезеровка қилишга улгуряпман.

Цехнинг чўткали съёмниклар тайёрлаш участкасида ҳам иш қизғин. Мастер Владимир Сабинин бошлиқ бригада аъзолари сменада 210 ўрнига 250—260 тадан чўткали съёмникларни йиғув цехига етказиб бермоқдалар. Бригада аъзоси ёш коммунист Н. Хафизов эса ўз меҳнатсеварлиги, онглилиги билан цехда биринчи бўлиб ўз шахсий белгиси бўлишига эришди. Ҳозир у ўзи тайёрлаган маҳсулотларни контролёрсиз йиғув цехига жўнатаверади.

Коммунистик меҳнат зарбдори, комсомол аъзоси, Куйбишев район Советининг депутати Валентина Стоякина меҳнат қилаётган шлифовкачилар бригадаси ҳам ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бригада аъзолари кунига 2400 ўрнига 2800 тадан деталь шлифовка қилмоқдалар.

А. АШУРОВ,
«Ташсельмаш» заводи ишчиси.

ҚУРИЛИШДА ЯНГИ ТЕХНИКА

«Главташкентстрой» — пойтахт қурилишларини олиб борувчи асосий ташкилотдир. Эллик мингдан ортиқ кишини ўз ичига олган бу улкан ташкилот ташкил этилганига ҳали уч йил тўлмаса ҳам шаҳримизда жуда кўпгина кўркам бинолар ва иншоотлар қуриб битказди ва қурмоқда. Шаҳримиз жамолига чирой қўшган Студентлар шаҳарчаси, Чилонзор районидаги кўпгина янги кварталлар ва гўзал бинолар, Қорақамиш, Чердаңцев массиви, Академия шаҳарчаси, Високовольт массиви, Ленин номли майдон каби йирик районлар ва бир қанча гўзал бинолар «Главташкентстрой» коллективи томонидан қурилган.

«Оргтехстрой» трести «Главташкентстрой»нинг таркибидаги ташкилотлардан биридир. Трестимиз бинолар, йўллар, иншоотлар қурмасада, темир-бетон, ёғоч буюмлар ва бошқа буюмлар ишлаб чиқармасада, юқорида кўрсатилган улкан ишларни бажаришда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда. Кўп қаватли, мураккаб конструкцияли, бир қанча техник системалар билан жиҳозланган замонавий биноларни жуда ҳам қисқа вақт ичида қуришда ва қурилиш ишларини барларнинг кенг майдонга олиб боришда юқори малакали инженер-мутахассислар томонидан ҳозирги замон фан ва техникасини қўллаб, олдиндан тузилган чизиқли ёки тўрсимон графиклар, қурилиш ишларини олиб бориш технологик харитасини, олдиндан лойиҳаланган, оғир ишларни енгиллаштирувчи катта ва кичик механик қурилмаларсиз ҳозирги замон қурилиш ишларини олиб бориш умуман мумкин эмас.

Агар қурилишни бошлашдан олдин қурилиш майдонини қандай ташкил қилиш керак, материал ва буюмларни қандай кран билан узатиб туриш, қайси қурилиш ишини қачон бошлаш, қурилишда иштирок этадиган, гоҳо бир-бирмадан ошадиган алоҳида-алоҳида ташкилотларни ўзаро ишларини қандай ташкил қилиш зарурлиги каби бир қанча ташкилий масалаларни олдиндан ўйлаб, лойиҳалаштирилмаса, биринчидан қурилиш муддати чўзилиб кетади, механизмлар ва ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги пасайиб, қурилишда тартибсизликка олиб келса, иккинчидан, ишда йирик ва тузатиб бўлмаслик даражада қўпол брак бўлишига олиб келади.

Ана шундай малакали, қурилиш ташкилотларига жуда зарур бўлган техник ҳужжатларни бизнинг «Оргтехстрой» трестимиз тайёрлаб беради. Бу айтилган ишлар трестимиз ишининг бир қисмидир холос.

Тўрт юзга яқин юқори малакали инженер-техник ходимлардан ташкил топган трестимизда 18 та бўлим бор. Улар орасида тўрсимон графиклар тузиш ва уларни татбиқ этиш, лойиҳа ва сметалаш, қурилиш процессларини автоматлаштириш, қурилишга илғор иш усулларини тадбиқ қилиш ва ишни илмий асосда ташкил қилиш, йирик панелли уй қурилишини такомиллаштириш, қурилиш ташкилотлари ишларини иқтисодий анализ қилиш, информацион ҳисоблаш маркази каби бўлимлар йирик бўлимлар ҳисобланади.

Уларнинг номлари ўзи қандай масалалар билан шуғулланишларини англатиб туради. Кўрсатилган бўлимлардан ташқари трестимиз таркибида янги техниканинг тажриба намуналарини ясаш учун устахона, марказий қурилиш лабораторияси, фото-кино группалар ва илмий-техника янгиликларни йиғиш ва уларни тарғиб қилиш бўлими бор. Бу сўнгги бўлим Ватанимизнинг юздан ортиқ йирик ташкилотларидаги бутун янгиликлар ҳақида маълумот олиб, уларни картотека солади, бизнинг шароитимизга мос келадиганларини бутун «Главташкентстрой»нинг барча қурилиш ва ишлаб чиқариш ташкилотларига юборади ва ишлаб чиқаришга татбиқ қилишга ёрдам беради.

Трестимиз ўтган 1968 йил планини ҳамма кўрсаткичлар бўйича бажарди ва бир қанча йирик ишларни амалга оширишга муваффақ бўлди. 159-трест 37-қурилиш бошқармаси ишини ҳозирги замон техника ютуқларини қўллаб илмий асосда ташкил қилиш, шулар жумласидандир.

2-қурилиш механизацияси трестида эса тупроқни қазиш ва ташиш каби ер ишларни планлаштиришда электрон ҳисоблаш машинасидан фойдаланилди.

Ўтган йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида трестимиз яратган тўртта иш диплом билан тақдирланди. Улар орасида бетон тайёрлашда цементни 5—10 процент тежашга имкон берган АМА—3 маркали электромагнит активатори, магнит заррачаларга ёрдамида қурилиш механизмларининг жойлашганини аққол кўрсата оладиган динамик план, гишт ташиш ишида қўлланиладиган, бир йўла уч подонни туширишга мўлжалланган рама, бетон ишларида қўлланиладиган янги қолип каби республикамиз миқёсида юқори баҳога муяссар бўлган ишлар бор.

Бу йил трестимиз ходимлари томонидан яратилган икки иш Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг қурилиш павильонидан жой олди.


Трестимиз коллективи улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейини меҳнатда янада юксак ютуқлар билан кутиб олиш учун кўтаринки руҳда меҳнат қилмоқда.

Мўлжалланган асосий ишлардан бири Тошкент қурилишини планлаштириш ва бошқаришда электрон ҳисоблаш воситасида автоматлаштирилган системани қўллашдир. Ҳозирги кунда «Урал-14» маркали электрон-ҳисоблаш машинасини монтаж қилиш ва ишга тушириш ишлари тугай, деб қолди.

Ўтган йили қурилиш ишини юксак илмий ва техникавий асосда олиб боришда фақат биргина қурилиш бошқармаси масштабидагина қўлланишга муяссар бўлган бўлсак, бу йил ушбу тажрибани оммалаштириб, иккита трестни — 159-ва 10-трестларни тўлатўкис янги усулга ўтказиш планлаштирилган.

Бу трест ишларида бутун ишлар электрон-ҳисоблаш машинаси орқали планлаштиради ва бошқарилади. Бу тажриба келаси 1970 йилда «Главташкентстрой» нинг автоматлаштирилган планлаш ва бошқариш системасига ўтишига замин бўлади.

М. ҒАНИЕВ,
«Оргтехстрой» трест бошқарувчиси.



ЛЕНИНГРАД. «Электросила» фирмасида Асвон ГЭСи (БАР) учун тайёрланган 175 минг киловатт қувватли гидрогенератор. Бу энг сўнгги — 12-гидрогенератордир.

И. Баранов фотоси.
ТАСС фотохроникаси.



Коммунист Маъсуда Зиёмуҳамедова Тошкентдаги офсет фабрикасининг пешқадам ишчиларидан биридир.

М. Нуриддинов фотоси.

КОМСОМОЛЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети журналистика факультетининг мажлислар залида факультет комсомол комитетининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда факультет комсомол ташкилотининг секретари М. Йўлдошева ҳисобот берди.

Музокараларда факультет декани, профессор Т. Эриазаров факультет партия ташкилоти секретарининг ўринбосари, доцент О. Тоғаев, 4-курс талабаси А. Шеров ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, комсомол ташкилоти фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида гапирдилар.

Конференция университетнинг 50 йиллиги, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

У. УТАЕВ,

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 2 БЕТ. 24 МАРТ, 1969 Й.

Адабиёт саҳифаси

СЎЗ—СЕМИНАР ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ЭРТАГА МОСКВАДА ЁШ ЁЗУВЧИЛАРНИНГ V БУТУНИТТИФОҚ СЕМИНАР КЕНГАШИ ОЧИЛАДИ. УНДА БИЗНИНГ РЕСПУБЛИКАМИЗДАН ҲАМ ЎН ҚАЛАМКАШ ҚАТНАШАДИ. БУЛАР— ШОИРЛАР: ЮСУФ ШОМАНСУР, ЖАМОЛ КАМОЛ, ГУЛЧЕҲРА НУРУЛЛАЕВА, АБДУЛЛА ОРИПОВ ВА РАИМ ФАРҲОДИЙ; ЁЗУВЧИЛАР: ШУКУР ҲОЛМИРЗАЕВ, АНВАР ЭШОНОВ, ЎТКИР ҲОШИМОВ, НИКОЛАЙ БУЛАНОВ; АДАБИЁТШУНОС НОРБОЙ ХУДОЙБЕРГАНОВЛАРДИР.

ҚУЙИДА СИЗ СЕМИНАР ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ИЖОДЛАРИДАН БАЪЗИ НАМУНАЛАР ЎҚИЙСИЗ.

ИМТИҲОН

Ижод қилиш игна билан қудуқ қазишдек мушкул ва машаққатли иш дейишади. Ҳақ гап бу! Лекин бадиий асар яратиш, одамларга эстетик завқ-шавқ бахш этиш, уларга ҳаётий сабоқ бериш бизлар ўйлаган, тасаввур қилган даражадан ҳам мураккаброқ вазифа. Ахир, шу вазифани қойиллатиб ўриналатган ижодкорнинг жиши руҳининг инженери, деб эъзозланиши тасодифий эмас-ку!

Тажрибали ижодкорларимиз ҳам, ёш қаламкашларимиз ҳам мана шу номга, — киши руҳининг инженери деган номга лойиқ бўлиш учун меҳнат қилмоқдалар. Аммо интилиш, изланиш натижалари қандай? Улар замон талабига, ўқувчилар оммаси талабига жавоб берадими?

Маълумки, ҳар бир асар китобхон синовидан ўтади, аммо ҳамма ўқувчилар ёзувчини имтиҳондан ўтказамиз, деган ният билан эмас, қисса ёки шеърни атайин, маънавий чанқоқлигини қондириш учун, сабоқ олиш учун ўқийди. Пировардида ижодкор маҳсулоти ўқувчилардан ўз баҳосини олади. Бу имтиҳон ўзига хос эмасми?! Бироқ мазкур имтиҳон баъзан онгли равишда, баъзан стихияли тарзда амалга оширилади. Шу маънода ҳар бир ўқувчи бир вақтнинг ўзида ўқувчи, ўрганувчи ва имтиҳончи сифатида майдонга чиқади.

Мана шундай ўқувчи, имтиҳончилардан бири сифатида ҳозирги ёш ижодкорлар асарларига назар ташласак, уларнинг замондошларимиз маънавий-руҳий ҳаётида муҳим аҳамият касб этаётганини кўриш мумкин. Шубҳасизки, биз ғоявий-бадиий жиҳатдан бақувват, баркамол асарларни кўзда тутаётирмиз.

Шу жиҳатдан яқин йиллар ичида битилиб, этилган довондан илғаётган ёзувчилар ҳам бор. Уларнинг ижодий изланишлари, ютуқ ва камчиликлари ҳақида ҳозирги адабий танқидчилик ҳам, ўқувчилар ҳам ўз фикрини айтиб келмоқда. Ана шундай ёзувчилардан бири Шукур Холмирзаевнинг «Ўн саккизга кирмаган ким бор», «Баҳор ўтди» асарлари диққатга сазовордир.

Маълумки, Шукур Холмирзаев қиссаси билан ўқувчиларга танилди, уларнинг синовидан муваффақиятли ўтди. Аммо ҳар бир янги асар янги синовга рўпара келади ва бу синов фақат ҳақиқат асосида амалга оширилади. Тажрибасизликка, ёшга қараб, талабчанлик сусайтирилмайди.

Буни яхши англаган Шукур Холмирзаев «Тўлқинлар» орқали забт этилган довондан илғаётган ёзувчилардан бири сифатида ўзининг ижодий қиёфасини намоён қилди. Ўқувчилар синовига тақдим этилган Шукур Холмирзаевнинг «Ўн саккизга кирмаган ким бор» қиссасидан, айниқса «Баҳор ўтди» ҳикоясида ўз истеъдодининг янги қирраларини намойиш этишга муваффақ бўлди. Аниқроқ қилиб айтганда, ёш ёзувчи қаҳрамон руҳий дунёсига янада чуқурроқ кириб боришга, уни ҳаётийлик ва ҳаққонийлик нуқтаи назаридан тадқиқ этишга ўқувчи, қобилияти борлигини кўрсатди. «Ўн саккизга кирмаган ким бор» даги Жамшид, Тилов ва Умиданинг болалик чоғларидаги ўзаро муносабати, улар характерларининг шаклланиши жонли ва сербўёқ манзараларда ифодаланди. Бу қаҳрамонлар фаолияти, кечинмалари билан танишган ўқувчи ҳаёт муҳаббат ва бахтнинг шунчаки жўн нарса эмаслигини, уларга эришиш учун маънавий камолотчўққисига кўтарилиш зарурлигини англайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, қиссада композицион тарқоқлик, қаҳрамонлар характерини тадқиқ этишда баъзан кўзга чалиниб қоладиган сунъийлик, юзаки-лик аломатлари мавжуд, аммо бу етишмовчиликлар маълум маънода авторнинг қаламга олинган мавзуни, ҳаётий воқеаларни оригинал воситалар, ўзига хос услуб ва шакл билан ёритишга ҳаракат қилиш натижасида келиб чиққан, деб изоҳланиши мумкин. Лекин муҳими шуки, «Ўн саккизга кирмаган ким бор» муҳаббат, бахт мавзусини сабоқ тасвирлайдиган, уларга бир томонлама ёндошадиган қаламкашлар билан баҳслашади, ўқувчини ўйлатади. Бу хусусият «Ёввойи гуля, «Кечаги кун кеча», айниқса «Баҳор ўтди» ҳикояларида янада ёрқинроқ, ойдинроқ намоён бўлибди.

Дадил айтиш мумкинки, қобилиятли бир қанча ёш қаламкашлар ўз асарларида ҳарорат билан, кучли эҳтирос билан фикрлашга, мушоҳида юритишга жазм этадилар. Қарангки, кучли эҳтирос, оловли ҳис-туйғулар билан ижодкор дардли, орзу-ҳаваси бирлашиб, омухта бўлиб кетган.

Лекин ҳар қанақа дард, ҳар қанақа эҳтирос бадиий кашфиёт яратишга асос беравермайди. Қайсики улар муҳим ижтимоий мазмун билан ҳамоҳанг бўлса, халқ юрагини жизиллатадиган муаммоларга боғланса, меҳнаткашлар манфаати нуқтаи назаридан юзага келсагина, ғоявий-бадиий жиҳатдан етук асар яратишга тургки беради.

Шубҳасизки, ҳозирги истеъдодли ёшларимизнинг энг яхши асарлари шу тариқа майдонга чиққан. Юсуф Шомансур, Гулчеҳра Нуруллаева, Жамол Камол, Анвар Эшонов, Ўткир Хошимов ҳам шулар жумласидандир. Чунончи, Жамол Камол бир саккизлигида шундай дейди:

Кўзда ёши билан
кулади бола,
Илҳом асир этган
шоирга монанд,
Шоир ҳам боқармиш
ёруғ оламга.
Боланинг мўсаффо
кўзлари билан.

Ажаб сеҳрлидир бу
икки дунё:
Бир пасда севинчу,
бир пасда қайғу,
Бири эрмак излаб,
топади маъно,
Бири эртак сўйлаб,
айтади орзу...

Назаримда, фақат Жамол Камолгина эмас, балки унинг бир қанча тенгдошлари ҳам ўзларининг энг яхши асарларида ҳаётга, оламга боланинг мусаффо кўзлари билан боқади. Турмушда табиийлик, тиниқлик излайди. Тўғри, бунинг ўзи етарли эмас. Чунки, ҳаёт мураккабликлари, зиддиятларини англаш учун уларга фақат болаларнинг мусаффо кўзлари биланигина қараш камлик қилади. Сирасини айтганда, турмушни мураккаблиги, қарама-қаршиликлар билан тадқиқ этиш кўпгина ёш қаламкашларимиз олдида турган муҳим вазифадир. Мана шу вазифани адо этгандагина ўқувчи имтиҳонидан муваффақиятли ўтиш мумкин. Лекин имтиҳонларнинг имтиҳони бўлади. Албатта, биринчи имтиҳонда талабчанлик суст бўлмайди, аммо иккинчи, учинчиларида талабчанлик, масъулият, эътибор янада ошади.

Анвар Эшонов ўзининг «Бир оғиз сўз», «Дутор» номли китоблари билан ўқувчиларнинг биринчи синовидан ўтиб олди. Чунки, унинг аксари ҳикояларида қанақадир майинлик, табиийлик, самимийлик мавжуд эди, айниқса, тил бойлигидан унумли фойдалана б, образларнинг ички дунёсини ёритишга интилиши кўпчиликка хуш келди.

Шунга ўхшаш ҳолатларни Гулчеҳра Нуруллаева шеъриятида кўриш мумкин. Ёш шоира анчадан бери қалам теб ратиб келмоқда. Айниқса, севги мавзуидаги шеърлари жозибали, ўқимишли бўлиб чиқади. Шоира муҳаббатнинг ниҳоятда муқаддас, лазиз ва азиз, айни чоқда анча мураккаб туйғу эканлигини тараннум этади.

Пайти келганда шуни ҳам айтиш керакки, бир қанча ёш қаламкашларимиз, жумладан Анвар Эшонов, Жамол Камол, Гулчеҳра Нуруллаевалар севгидай нозик ва нодир туйғунинг ижтимоий моҳияти, унинг замон тараққиёти билан тиғиз боғлиқ эканлигини ҳамма вақт чуқур, ҳаққоний ёритиб беришга эришавермаётирлар. Бу ҳол айрим тажрибали адибларимиз ижодида ҳам рўй бериб турадию.

Ҳайриятки, қобиятли, ҳаракатчан ёшларимиз бу қийинчиликларни енгиб ўтиш учун астойдил интилмоқдалар. Хусусан Юсуф Шомансурнинг бир қанча шеър ва достонлари алоҳида ажралиб туради. Айниқса, «Қонсиз фожиа» асари диққатга сазовордир. Унда ҳар бир одам ўз қобилиятига яраша меҳнат қилиши, жамиятга имконияти, қудрати борича кўпроқ фойда келтириши, халқ-ка бутун вужуди, кучи билан хизмат қилиши керак, деган ғоя ўйноқи, содда ва ширали мисралар орқали ифодаланган.

Шуни уқдириш мумкинки, Юсуф Шомансур бир қанча шеърларида ижтимоий-сиёсий муаммоларга мурожаат қилади, лекин гоҳида уларни бадиий тадқиқ этишда фикр билан туйғу омухталигини таъминлашга эришолмай қолади. Лекин бир қанча сатирик асарларида бундай ҳолат кўзга ташланмайди. Шоир ҳажвчиликда ўзига хос кашфиётлар яратяпти, деса бўлади. Чунончи, «Адабий пазандалик.» «Шеър зарядка» каби ҳажвларида адабиётдаги халтурага, брақка, ҳашакиликка ўт очади.

Нима учун Шукур Холмирзаев, Ўткир Хошимов, Юсуф Шомансур, Анвар Эшонов, Гулчеҳра Нуруллаева, Жамол Камол ҳақида сўз очилди-ю, бошқа ёшлар ижоди ҳақида мулоҳаза юритилмайди, деган савол туғилиши мумкин. Саволга жавоб тарикасида шуни айтиш керакки, мазкур қаламкашлар шу йил 25 мартда Москвада ўз ишини бошлайдиган ёш ёзувчиларнинг Бутуниттифоқ бешинчи семинар — кенгашида иштирок этади. Бошқача қилиб айтганда, улар яна бир муҳим имтиҳондан ўтиши керак. Лекин шу муносабат билан биз ўртага ташлаётган баъзи мулоҳазалар маълум маънода ёшлар адабиётининг баъзи муҳим хусусиятлари, тараққиёт йўллари, қонуниятларига ҳам бевосита алоқадор, деб ўйлаймиз.

Н. Худойберганов.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

Юсуф ШОМАНСУР



Тилла соат

Тилла соат ўзида йўқ шод,
Ялтиллайди кумуш тасмаси.
— Дунё, — дейди— мен билан
обод,
Чиқ-чиқ қилар кундуз — кечаси.
У ўлчармиш замонни, вақтни,
У ўлчармиш қувончни; бахтни.
Аммо бир кун
Тўхтаб қолди у.
Ойнасини чанг босди тамом.
Замон эса олға кетдию,
Қайрилмади зар соат томон.
Зафар билан бонг ураркан вақт,
Меҳнат, ишда топди қимматин,
Тилла соатнинг-чи, тўхташи:
Вақтга зарра таъсир қилмади...

Қофия

«Мен билан тириндир шоирлар зоти!»
Шундай деб мақтанди бир кун қофия.
«Менсиз ўчиб кетар шоирнинг оти,
Ўрнимни босолар на юрак, мия.
Менга бўйсунмасдан бирор тирмизак
Шоир бўлмоқлиқни қиларкан мақсад,
Йиқитаман уни қилиб чирпирак,
Оқ қиламан менга хўмрайиб боқса...»
Аммоки,
Рўй берди бир кун фожиа,
Шеъспир шеърига олқиш ёғилди.
Қофиясиз қўшиқ чиқиб авжига,
Ё ўлиш, ё қолиш! — деб хитоб қилди.
Лабини лабига жуфтлаштиролмай,
Қофия деган шунда ноқилди.
Магизли, тўқ шеърни улуғлаб атай,
Пучроқ қофияни шоир оқ қилди.

Елкан

(М. Ю. Лермонтовдан)

Бир мусофир елкан оқарар,
Туманли кўк денгиз бетида.
Йироқ элда нени ахтарар,
Неки ташлаб кетмиш юртида?
Тўлқин ўйнар, ғувиллар шамол,
Ғижирлайди шунда ёғоч дор.
У изламас қайда деб иқбол,
Ва бахтдан ҳам эмасдир безор.
Олтинланар шуъла пойида,
Бошидан кун тўкар ҳарорат...
У исёнкор, — бўрон пайида,
Бўронларда бордек фароғат.

Ўзук

Бармоғингни сиқиб қўйипти роса,
Тор келиб мен берган ёмут узугим.
Шу узун ичида бўйним сиқилса,
Минг марта розийдим, кўзи сузигим.

Сағир аманкин

Қулоққача етган қора мўйловин бураб,
От ҳақида сўз бошласа Сағир аманким,
Бахри-дили очилади қувониб, яйраб,
У гапнинг ҳам донин терар, пуфлар курмагин.
Олтмиш ёшин тенг иккига бўлиб ташлайди,
Тўриқ отга йигитлардай сакраб минганда.
От жонвор ҳам ўйноқлайди, гоҳо кишнайди,
Асфальт кўча бўйлаб тарақ-туруқ елганда.
Машиналар, ранеталар даврида маҳкам,
Узангига оёқ тираб олган аманким.
От —эътиқод, отдир унинг жонига малҳам,
Ектирмайди бу дунёнинг бошқа нағмасин.
Қора чопон кийган кўкси очиқ, яланг тўш,
Қиз сочини тарагандай тарар от ёлин.
Улоқ чопса етолмайди ҳеч учағон қуш,
Узи қувар ўзин тутқич бермас хаёлин:
Иссиқ жон-да, тўриқ оти тай санлаб қолса,
Кўк бедани емай қолса, ичмай қолса сув,
Аманкимга ёруг жаҳон татимас асло,
Мўйлови ҳам шалпаяди, ранги ўчар кув.
Жангдан қолган жароҳати билинар шунда;
Шунда танбеҳ эшитади ўғли Солиҳой,
От тузалиб ва гижинглаб таъзим қилганда,
Мен қоламан аманимни тағин танимай
Яна қайта йигитлардай ёшарадиу,
Дарвозадан учиб чиқар отда энгашиб.
Яхшиямки, олмаганим унга мингашиб,
Бунақада бошим учиб кетар эди-ку!
Шоир одам, бошда ахир минг хаёл, минг ўй,
Бошнинг ўзин сақлаб қолиш келмайди ўйга.
Эй, аманким, шаънингизга ёздим қўшиқ, куй,
Сизники от, менники — шеър, қилайлик пойга.



Далавой

ҲАЖВИЯ

УНИНГ асли номи Далавой эди. Лекин бизлар Чалавой деб атардик. Сабаби, бўйи пастаккина, оёқлари хўрознинг оёғидай, қўллари ҳам гўзапоядеккина эди. Овқатни ҳам уч қошиқдан ортиқ еолмасди. Айтишларича, у туғилганда кўргани чиққан қўшнилар:

— Вой болангиз қурмасин қошиқдага,—деб онасини ўкситишган экан. Айниқса юзи рапидадай келадиган полвон хотин:

— Жиз яламай ўлсин,— деганда онаси ўксиб-ўксиб йиғлаган экан.

— Ҳа, худо умрини берсин-чи, бир гап бўлар,— дер экан онаси.

Она-да она. Кўз тегмасин деб Далавойнинг бўйнига тумор осиб, елкасига кўзмунчоқ тақиб, исириқ солиб ўстирди. Буни кўрган хотинлар, бунинг нимасига кўз тегарди деб ичаги узилиб куларди.

Шу ҳолига Далавой жуда қитмир эди.

Қаердандир узун сим топарди-да, самоварнинг ўтхонасида қиздириб, остонада мудраб ётган итларнинг қулоғига тиқарди. Ўзи панада турарди, албатта.

Кейин ит кўринганга ириллаб кўчанинг чангини чиқарарди. Аллақаерлардан сичқон топиб, мушукларни тутиб оларди. Эски —туски махсига тиқиб сувга ташлаб юборарди. Анҳорда сув кам бўлса, дараҳтга боғлаб уларди.

Жуда иш топмаса кўчанинг бошида туриб олиб, миқти-миқти болаларга, ури-шасанми, деб куйдирарди. Болалари ҳам Далавойнинг қоматини кўриб, йўқ оғайни, қўрқдим деб кулиб қўярди.

Мактабга бордию салгина тинчиди. Ўқиш билан овора бўлиб қолди. Олдинги партада ўтирарди. Оёғига ғишт қўйиб берардик. Нимагадир мен билан оғайни эди. Калака қилмасдим шекилли. Баҳоси сидирга: «Ўч». эди. Соғлом танда соғ ақл дегандай, бўйи басти шу бўлгандан кейин миясига нима кирарди.

Айниқса физкультура муаллимини куйдирарди. Турникда машқ қилмоқчи бўлса, бироз қўтариб қўйиши керак. Ҳамма юз метрдан югурса у беш метрдан югуриб сакрарди. Муаллим, дарсга қатнашмай қўяқол, деса устидан ариза ёзиб директорга шикоят қиларди. Далавойни деб муаллим бечора неча марта гап эшитди. Охири бўшаб кетди. Ориф ака деган янги муаллим келди. Шу-шу Далавойда ўзгариш бошланди.

— Ҳали девдай бўлиб кетасан,— деди сафнинг энг охирида турган Далавойга қараб, кулиб юбордик Девдак эмиш.

Ўшанда биз бешинчи синфларда ўқир эдик. Қачон қараманг Далавой трамвай билан баробар уйғониб, соф ҳавода гимнастика қилган, чўмилган, аравага осилиб юрадиган бола, пиёда юрадиган бўлиб қолди. Нечук бу дангаса ўзгариб қолди деб ҳамма ҳайрон.

Рангига ранг кирди. Бўйи чўзилиб қолди. Ўша йили дадамни бошқа шаҳарга ишга юборганликлари сабабли кўчиб кетдик. Орадан йиллар ўтиб куни кеча Тошкентга келсам, театрнинг рўпарасида сумбатдай бўлиб бир йигит турибди. Баданлари таранг, қадди қоматида ортиқча ери йўқ. Қўйиб қўйганга ўхшайди. Қўлида гул. Кўзимга иссиқ кўринди-ю, қаерда кўрганлигимни эсолмай ўтиб кетаётгандим. Халиги йигит тўхтатди.

— Кўзингни ёғ босдими?

— Кечирасиз, таниёлмадим.

— Одам бўлмай кет. Қўшнингман-ку. Далавой. Ўша Далавой болалар Чалавой дерди-ку.

— Ия, омон бўл, — қучоқлашиб кўришдик. — Ўқишни тугатдингми.

— Тугатганда қандай. Кумуш медал олдим. Ҳозир иккинчи курсдаман.

— Қойил.

— Биринчи қўнғироқ чалиниб одамлар ёпирилиб театрга кира бошлади.

— Сен киравер. Ўзим топиб оламан.— деди у.— Райҳонни кутяпман. Самолётдай тоҳний учинчи қўнғироққа етиб келади.

Ўринларимга ўтирияпман-ку, хаёлим Далавойда. Қаранг қандай ўзгариб кетибди. Мактабимизга ўша физкультура муаллими Ориф ака келмаганда балки Чалавойлигича қолиб кетармиди.

Анвар ЭШОНОВ.

Тошкент оқшоми 1969 24 март

Нимадир йўқ бўлди...

ҲИКОЯ

Эр — Қисматулла таъсирчан, шўх, хотинига тегажаж эди. Хотин—Ҳикмат совуққон, хотиржам ҳам андак қўполроқ эди. Лекин улар бир-бирини яхши кўрар, шунинг учун табиатларидаги бу ҳархилликни сезмас эдилар, гўё улар шундоқ туғилганлар-у, шундоқ бўлишлари лозим эди.

Бир куни бўлар бир эшёфатда бўлиб, бир эру хотиннинг ўзаро ва ўзгаларга муомаласига гувоҳ бўлишди. Улар бир-бирига шу қадар ярашган, шу қадар одобли, ҳаракатларию сўзларни шу қадар дилбар ва ўзларию ўзгаларга шундай ажиб дилдорликлар кўрсатар эдики, бенхтёр шу базм қаҳрамонларига айланиб қолишди...

Базм тугагач, бу антиқа жуфт ҳақида ҳар ким ҳар хил фикрда кетди. Қисматулла билан Ҳикмат ҳам.

«— Эр анча оғир... лекин хотини суюк экан», деб ўйлади Ҳикмат.

«— Ҳа, эри культурний, лекин хотини...»— Қисматулланинг ўйи ўзга, нотаниш чизиқдан кетди; у бенхтёр «қаҳрамон хотин»ни ўзининг Ҳикмати билан қиёслади ва назида, хотини ундан гўзалроқ туюлди, аммо тақкос муомала—муносабат масаласига етганда Қисматулланинг кўнгли алланечук орзиқишга тўлиб. бир зум хаёлга толди: Ҳикматдан шу маҳалгача бирон-бир илиқ сўз, ё ёқимли бир дилдорлик кўрганини эслолмади.

— Кўрдингми у эр-хотинни муомаласини! — сўради у чидолмай.

— Кўрдим. — лоқайд жавоб берди Ҳикмат.— Эри дуруст, лекин хотини кўп кисиллй экан.

Қисматулла ёнгудек бўлиб кетди.

— Сенга шундай туюлгандир-да,—деди дағаллик билан.

Хотини эрдаги янгиликни сезди, бу унинг ҳамиятига тегди.

— Бўлмасам, шунақасидан топинг-да, —деди-да жадаллаб кетиб қолди.

Улар бошқа бир масала хусусида тортишиб, Ҳикмат шундоқ кетиб қолганда, Қисматулла унинг изидан бориб узр сўраб, сўнг унга тегажаклик қилиб, шўхлик қилиб, кўнглини олар эди—шу билан ўртадаги илиқлик тикланар эди. Шуниси қизиқки, эрнинг бу одатини Ҳикмат ҳам яхши билар ва йўлакай унинг етиб келишини кутар, сўнг бироз нюнжланиб ён берар— шу билан иноқлик барқарор бўлишига ҳисса қўшар эди.

Қисматулла хотинининг ортидан қараб турар экан: «Нима учун энди ҳамиша мен гапиришим керак!» деб ўйлади бирдан ва ўзигаўзи уқтирди: «Бу сафар ўзи гапирсин!»

Улар уйларига етгунча бир-бирига гап қотишмади. Хонага кириб креслоларга чўкишди ва шунда нозик бир ҳолат майдонга келди: улар бенхтёр бир-бирига қарашди...

Илгари мабодо бирон масала хусусида шунга ўхшаш вазият содир бўлиб, сўнг фавқулоддда бир-бирига қарашганда, Қисматулла... сирчан, ҳам хотинига тегажак бўлгани учун, хотини шундоқ: совуққон. хотиржам, ҳатто қўполроқ.

Қисматулла аҳд қилди: энди бунинг тескарисини бўлиши керак: энди ўзи совуққону хотиржам бўлиши керак, шунда хотини ўзи қаби... бўлади.

Одатда эрталаб Қисматулла чойга ундар, Ҳикмат тўшакларни йиғар эди. Бу кун Қисматулла чойсиз жўнаворди ишга. Ҳикматнинг ҳам аччиғи келди ва тўшагини йиғмаёқ кийинишга тутинди. У тахминан, эрининг кўнглидагини сезган, шунинг учун ундан ўч олишга аҳд қилган бўлса ҳам ажаб эмас.

Бир ҳафта ўтди. Эр-хотин бегоналар каби яшашди. Қисматулла қийналди. ўртанди: ўрганган кўнгил ўртанса қўймас. Шубҳасиз, Ҳикмат ҳам азоб чеккан бўлса керак: ахир у ҳам Қисматуллага ўрганган...

Кейинги ҳафтада хотин истироҳат ойига чиқди ва Венгрияга турист йўлланмаси олиб келди. Кийим-кечакларини чамадонга солар экан, эрига эшитарли қилиб:

— Эрта кетамач. Группамиз бошлиғи билетникам олибди,—деди.

Қисматулла унга ялт қаради. Нимадир дейишини бурчи деб билди.

— Яхши. Мен ҳам кетаман... Сен келгандан кейин,—деди.

Тамом. Бу ёшлар ёш знёлий эр-хотинлар ўртасида расм бўла бошлаган бир одатни—ёшликда дунёни кўриб қолиш учун хорижга чиқишни ўзларига қабул қилган, мана уч йилдирки, улар гоҳ ёлғиз, гоҳ бирликда четга чиқишар эди.

Мабодо бирининг қолиб. бирининг кетишига тўғри келса, ўша тун уларда уйку кам бўлар эди... Лекин бу тун энг ширин ва лаззатли тун сифатида ёдларида қолар эди.

Бу тун ҳам улар кам ухлашди. Аммо гапсиз-сўзсиз. Шундоқ дақиқалар бўлдики, Қисматнинг бирданига эҳтирос билан «бўлди!» деб Ҳикматни бағрига олмоқчи Ҳикматнинг ҳам бунга бисёр тайёр турганига бир бахя қолди.

Эртаси Ҳикмат «Пэсадка» эълон қилингэн самолёт майдони томон кетаётганида ҳам нозик хоплардан бири содир бўлди...

Одатда бундай маҳалда Қисматулла хотинини одамлар кўз олдида қучиб ўпар, кулар, ҳазил гаплар айтар эди. Гарчи Ҳикмат одамлар олдида унга қарши нозик ҳаракатлар қилиб турса ҳам, ичида беҳад завқланар, хурсанд бўлар эди.

— Хайр,— деди Қисмат.

— Хайр,— деди Ҳикмат.

Қисматулла учун бу бираётганида ҳам нозик хоплардан бири содир бўлди...



«Ҳозир ўзига тортади», деб ўйлади Ҳикмат. Қисмат эса, у томон чўзилаётган қўлини зўрга тутиб: «Йўқ... ўзи-ўзи», деб ўйлади. Бир неча дақика ўтди ва қўллар ажралишди. Шунда Ҳикмат кулимсираган бўлди. Қисмат ҳам гўё одоб юзасидан унга жавобан жилмайган бўлди.

Сўнг, ҳайрон бўлишган каби, автобус бекати томон жилишди.

Уй, тун, тўшак...

— Ҳалиям...—ўз... ўзгармадимм... одатингиз!..—деди Қисмат.

— Сизники-чи? — деди Ҳикмат.

Шунда улар туриб ўтиришди. бир-бирига бир вақтнинг ўзида эгилишди ва бир-бирини қучишди, аммо улар кутганича қарши, шундай туюлдики, эгилишмаса ҳам, қучишмаса ҳам бўлади...

Буни англаб, бирдан ажралишди ва бир-бирига қарашди: тушундиларки, ораларида нимадир...нимадир йўқ бўлган!

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ.

Пойтахт экранларида

ТАВАККАЛЧИЛИК МЕЪЁРИ

«ЛЕНФИЛЬМ» МАҲСУЛОТИ.
(Бу фильмга Н. Амосовнинг «Юрак ва ўйлар қиссаси» асос қилиб олинган). Сценарий муаллифи ва режиссёр И. М. АВЕРБАХ.


Оператор В. Ковзель.
музикаси К. Франк асарларидан олинган.
Ролларда: Б. Ляванов (Седов), Смоктуновский (Саша) Демидова (Жена).

Касалхо н а-нинг уэун йўлагидан бир аравачани олиб боришмоқда. Беморнинг юзи кўзи кўринмайди. Аммо ёнида бир қўғирчоқ турибти.

Жарроҳлар хонасининг эшиги очилади. Унда жарроҳлар ҳозир-нозир. Уларнинг бутун истеъдоди, ҳозирги замон медицина муваффақиятлари бола-лани ўлимдан олиб қолишга қаратилган. Бироқ ўлим ҳамма нарсадан кучли чиқади..

Профессор Седов шахдам қадам ташлаб борар экан, қандайдир бир зумли дақиқа унинг кўзларини ўлган Танянинг онаси кўзлари билан учраштиради. У аёлнинг кўзларига тик қаролмай қолади.

«Онага менинг айтган сўзларим тасалли берармикин? Юпатиш унинг юрагидаги дардни, енгиллаштирармикин? Хўш менгачи менга ким тасалли беради?» Унинг миясиана шундай хаёллар билан банд эди. У ўзининг бу муваффақиятсизлигини ҳеч кечира олмайди. У даволаган беморнинг 70 фоизи согайиб кетмоқда, хўш қолганларичи? У инсон ҳаётини сақлаш учун қўлидан келганича ҳамма тадбир ва чораларни кўрадими? Бирор нарса унутилиб қолмадими?» Бу саволлар унга тиним бермас, виждон азобидан ҳеч қутилолмасди. Яна бир касални — Саша Кирилловни операция қилиш керак. Бу беморнинг аҳволи ҳам жуда оғир унинг операцияда яхши чиқишига умид кам. Седов Саша билан қадимдан таниш.



Саша —ақлли, мақсад фидойиси, бутун умрини, фаолиятини илмга бағишлаган ва шу билан бирга кесатишни яхши кўрадиган тили ўткир бир киши. У ҳамма одамларни математик формуллалар ёрдамн билан ифодалаш мумкин дейди. «Сизнинг медицинангиз учун биргина математик машиналар жуда кўп нарсани бериши мумкин. Сиз бўлсангиз минглаб жарроҳларнинг тажрибаси — интуицияси деб юрасизлар»— дейди у Седовга.

Саша Седов ва уни даволаш учун бел боглаган бошқа врачлар билан учрашар экан, ўзининг олдинги мулоҳазаларидан воз кечишга мажбур бўлади.

Седов иккиланади. Юракка янги клапан тикиш керак. Сашанинг организми бунга бардош берөларми кин? Борди-ю, операция қилинмаса Кириллов ҳалок бўлиши мумкин. Ниҳоят бир қарорга келинади. Оғир операция муваффақиятли ўтади.

— Менинг ролим — математик Саша Кириллов роли —фильмдаги асосий роллардан бўлмаса ҳам, — деб ҳикоя қилади.. Ленин мукофоти лауреати И. Смоктуновский — Лекин бу роль бош қаҳрамон — Седов образларининг серқирра томонларини очишда жуда муҳимдир. Бу икки киши ўртасидаги тортишув ва баҳслар уларнинг қарашларини очиб беради.



СУРАТДА: Фильмдан кадрлар.

Фан оламида

ОЙ—«ЕТТИНЧИ ҚИТЪАМИКИН?»

ЛЕНИНГРАД. Ой ва Ер бағрида рўй берувчи тектоник процесслар ўртасида чамбарчас алоқа мавжуд. Шу қизиқарли илмий проблемага бағишланган илмий тадқиқотини тугатган Пулкова обсерваториясининг таниқли астрономи физика-математика фанлари доктори Н. А. Козерев шундай хулосага келди.

— 1958 йилдан бошлаб, спектрограммада Ойнинг «Альфонс» кратеридан газлар оқиб чиқишини қайд этишга муваффақ бўлганимдан бери жаҳоннинг турли обсерваторияларида Ой интенсив равишда кузатила бошлади, — деди олим ТАСС мухбирига. — Шундан бери астрономлар илгари «Ўлик жисм» деб ҳисобланилган Ойда 300 га яқин турли «муваққат ходисалар» борлигини аниқладилар. Менда Ой билан Ернинг тектоник процесслари ўртасидаги алоқани кузатиш фикри туғилди.

Мунтазам сейсмик кузатишлар ўрнатилган пайт — 1904 йилдан бошлаб, ерда йириқмиқёсда рўй берган зилзилалар тўғрисидаги маълумотлар ўрганиб чиқилди. Ўнғи чуқур жойлашган бундай зилзилалар 600 дан ошиқ экан. Астрономлар шу давр мобайнида Ойда 400 га яқин «муваққат ҳодисалар» бўлганлигини қайд қилганлар. Ой кратерларидан газ чиқиш ва ёруғлик доғлари шулар жумласидандир.

Ой билан Ер ўртасидаги алоқа қандай? Маълум бўлишича, улар кучли ўзаро гравитацияда турар экан. Ой Ерда «тўлқинлар», яъни Ер қобиғининг 20 сантиметрга қадар кўтарилиши ва пасайишини вужудга келтиради. Бизнинг фикримизча Ер эса Ойга ундан кучлироқ таъсир кўрсатмоғи керак ва Ойнинг сиртқи қатламларидаги «тўлқинлар» бир неча метрга қадар етиб бориши мумкин.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида бундай хулосага келдим: Ойда ва Ерда «тўлқин вужудга келтирувчи механизм» ишлаб туради. Бунинг натижасида мазкур осмон жисмларининг сиртқи қатламларидаги зўриқиш сусаяди. Бу нарса Ерда зилзила вужудга келишига, Ой юзида эса «муваққат ҳодисалар» бўлишига сабаб бўлади.

Шуниси эътиборга сазоворки, Ой ерга энг яқин келган чоғда, яъни у перигей ҳолатида турганида бундай ходисалар кўпаяди. Қаттиқ зилзила бўлишига бир-икки кун қолганда, ёки шу зилзиладан бир икки кун ўтгач, Ой даги ҳодисалар айниқса кўпаяди. Ой билан Ердаги тектоник процессларнинг алоқаси шу қадар чамбарчаски, Ой Ерга бевос та туташган, яъни унинг еттинчи қитъаси бўлганида шундай бўлиши мумкин эди.

(ТАСС).



БАРНАУЛ. И. Ползунов номидаги Олтой политехника институти қошида студентларнинг ҳисоблаш маркази ташкил этилди. Унинг вазифаси— бўлажак мутахассисларни янги системадаги мураккаб ҳисоблаш машиналарида мустақил равишда ишлашга тайёрлашдан иборатдир.

СУРАТДА: студентларнинг ҳисоблаш марказидаги навбатдаги машғулоти. (чапдан ўнгга) Вадим Лебедев, Александр Лютов, Геннадий Чернов ва Вячеслав Жуковлар.

Е. Логвинов фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ҚОЗОҒИСТОН ВУЛҚОНЛАРИ

Қозоғистон Фанлар академияси геология музейининг янги экспонатлари томошабинларни олов пурковчи тоғлар мамлакатига сайёр қилдиради. Бу ерда қадимги вулканизмга бағишланган махсус бўлим очилди.

Марказий Қозоғистон витриналарида қотиб қолган лава тошга айланган кул парчалари кўргазмага қўйилган. Ҳозир яланглик бўлиб кўринаётган бу территория бундан миллион йиллар илгари кўп сонли вулқонлар билан қопланган эди. Геологлар томонидан Тянь Шан тоғи этакларидан музейга келтирилган ёнар тор «бомба»ларининг намуналари ҳам қизиқарли. Булар қадимги вулқонларнинг кратеридан отилиб чиққан ёпишқоқ магманинг қотиб қолган парчаларидир.

Музейда мис, кўргошин, рух жинслари, соф ҳолда топилган олтин, гугурт, олтин ва бошқа фойдали қазилмаларнинг намуналари бор. Уларнинг ҳаммаси қадимги магматизмнинг кўринишлари билан боғлиқ. Бу қазилмаларнинг барчаси радиоактивдир. Қозоғистоннинг турли конлари тагидан топиб келтирилди. Бу конлар қадимги вулқонлар яқинида очилган.

Илья ПАРЕЦКИЙ, (АПН).

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

РАДИО

24 март
ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Меҳнат интизоми» деган эшиттириш (русча).
18.10 Ф. Лист. Фортепьяно ва оркестр учун концерт.
19.15 Футбол. Уртоқлик учрашуви. «ПАХТАКОР» — «УРАЛМАШ» (Свердловск). «Пахтакор» стадионидан олиб эшиттирилади.
20.00 «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси.
21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча).
21.10 Кўкламги экиш илғорлари учун концерт.
21.55 «Садоматлик — туман бойлик» (ўзбекча).
22.30 С. Вурғун. «Комсомолнома» поэмаси асосида радиоинсценировка (ўзбекча).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Совет композиторларининг куй ва қўшиқлари.
9.15 Реклама ва эълонлар.
19.00 Ўзбекистон санъат усталарининг концерти.
19.30 «Музикали Тошкент» (русча).
20.00 Ў. Ҳошимовнинг «Узоқ кечалар» ҳикояси (тожикча).
20.20 «Рост» мақомидан парчалар.
21.00 Ҳамза Ҳакимзода. «Холисхон» спектаклидан парчалар (ўзбекча).
21.40 Москва. Миллионлар ленинча университети.

25 март
СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт.
7.40 Куйлардан қўшиқларга (ўзбекча).
8.25 Ўзбек халқ куйлари.
9.30 С. Бобоев. «Ўзбекистон пахтакорлари» кантатаси.
11.15 «Фан ва техника оламида» деган эшиттириш (ўзбекча).
11.30 А. Козловский. «Лола» сюитаси.
12.45 «Замондошларимиз» деган адабий эшиттириш (русча).
13.30 Г. Великанова ва Е. Кибкало қўйлайди.
15.15 Маданият радиоуниверситети. «Ўзбек совет адабиётининг равнақи». Филология фанлари доктори, профессор Л. Қаюмов суҳбати. Биринчи эшиттириш.
16.10 «Чет эл классик куйлари танланган саҳифалари». Рихард Вагнер.
16.50 «Правда» газетасининг обзори.
18.00 «Меҳнат унумдорлигини ошириш — муҳим масала». Охунбобоев номидаги колхознинг иш тажрибаси ҳақида ҳикоя (русча).
18.10 Меҳнат ҳақида қўшиқлар (ўзбекча).
18.40 Спорт эшиттириши (ўзбекча).
19.20 «Нурхон» музикали драмасидан парчалар.
20.00 «ЕШЛИК» радиостанциясининг программаси.
21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча).
21.10 Кўкламги экиш илғорлари учун концерт.
21.30 «ЛЕНИННОМА» программаси (русча).
22.20 Лирик куйлар (ўзбекча).
22.40 Ленин ҳақида ҳикоялар (ўзбекча).
23.15 Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Классик куйлар.
9.15 Реклама ва эълонлар.
19.00 А. С. Пушкин. «Қизғанчиқ валламат» радиоинсценировкаси (ўзбекча).
19.30 Совет Армияси жангчилари учун. Дунаевский куйларидан концерт.
20.00 Тожикистон композиторларининг қўшиқлари.
20.30 Қорақалпоқ куйлари.
20.50 «Дўстлик ҳақида сўз». Болгария радиосининг эшиттириши (русча).
21.00 К. Чандр. «Ойдин кечада» (ўзбекча).
21.40 Москва. Миллионлар ленинча университети.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 М. Юсупов. «Хоразм қўшиғи» операсининг монтажи.
14.30 «Шимол мадонналари». Халқ радиотеатрининг спектакли (русча).
17.30 Р. Вильданов. Симфония.

ТЕЛЕВИЗОР

24 март
ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 Кўрсатишлар программаси.
18.00 Кичкинтойлар учун. «Бойчечак» (ўзбек тилида).
Рус тилида:
18.30 Телевизион янгиликлар.
18.45 «Советский воин» тележурнали.
Ўзбек тилида:
19.45 Экишга ҳамма нарса тахт бўлсин!
20.05 Янги иқтисодий ислоҳот — амалда.
20.30 Ф. Шиллер. «Макр ва муҳаббат». Тўқимачилар саройи халқ театрининг спектакли. Танаффус вақтида телевизион янгиликлар.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

23.30 «Вақт» информацион программаси.
24.00 Хоккей бўйича жаҳон биринчилиги. СССР — ШВЕЦИЯ.
02.30 Москва кўрсатишларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.45 Кўрсатишлар программаси.
19.50 Телевизион янгиликлар.
20.00 Фото ҳаваскорлари учун. «Объектив» программаси.
20.30 Ўқувчилар учун. «Пионерия» телевизион агентлиги.
21.00 Музикали эшиттириш.
21.30 Миллионлар ленинча университети. Фалсафа. «Материалистик диалектика категориялари» (иккинчи эшиттириш).
22.00 «Менинг заводим — менинг онлам». Эшиттириш Ленинграддан олиб кўрсатилади.
22.30 «Матэ Борш». Телевизион кўп сериялы бадиий фильм учинчи серияснинг премьераси.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 ДУШАНБА ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ КЎРСАТИШЛАРИ.

25 март
СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА
10.55 Кўрсатишлар программаси.
Ўзбек тилида:
11.00 «Қувноқ симлар». Кинофильм.
11.15 Болалар учун концерт.
11.50 «Тиканли қалъа». Кўп сериялы телевизион фильмнинг иккинчи ва учинчи сериялари.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

13.00 Кўрсатишлар программаси.
13.05 Телевизион янгиликлар.
13.15 Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Моҳир қўллар».
13.45 А. Волков. «Марварид шаҳар сеҳргари». Телевизион кўғирчоқ спектаклининг биринчи қисми.
14.45 «Педагогик поэма». Бадиий фильм
16.30 Хоккей бўйича жаҳон биринчилиги СССР — ШВЕЦИЯ.
17.05 Москва кундузги эшиттиришларининг охири.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 Кўрсатишлар программаси.
Рус тилида:
18.00 Телевизион янгиликлар.
18.15 Болалар учун. «Хазина изловчилар». Мультфильм.
18.25 Стандарт — давлат нормаси.
18.55 Реклама.
19.05 «Сирли девор». Бадиий фильм.
Ўзбек тилида:
20.35 Ўн минут музика.
20.45 «Пропагандист». Тележурнал.
21.15 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Ғазалхон ёшлигим».
22.15 Телевизион янгиликлар
22.30 «Музикани қандай тингламоқ керак». Романс.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

23.30 «Вақт» информацион программаси.
24.00 Эфирда «Молодость».
01.00 Хоккей бўйича жаҳон биринчилиги. АҚШ — КАНАДА.
03.30 Москва кўрсатишларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.45 Кўрсатишлар программаси.
19.50 Телевизион янгиликлар.
20.00 Иқтисодимизнинг актуаль проблемалари.
20.30 Меҳнат қаҳрамонларига шон-шарафлар.
21.30 Бокс бўйича СССР шахсий биринчилигининг якунловчи ўйинлари.
22.30 «Матэ Борш». Телевизион кўп сериялы бадиий фильмнинг тўртинчи серияси.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 ОЛМАОТА ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ КЎРСАТИШЛАРИ.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида:
20.00 Симфоник оркестр чолғу асбоблари.
20.40 «Совет Иттифоқи ёнилғи электр станциялари». Илмий-оммабоп фильм.

Реклама ва ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА 24!!! да Мар. варид қидирувчилар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА 24!!! да Совет цирк усталарининг иштирокида катта цирк томошалари.

Кино

Кашмирдаги севги — САНЪАТ САРОЙИ (1-2 сериялар, кеч соат 8 да).

Революция чавандозлари — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ».

Бир одам ортинча — «ЧАЙКА», «НАВОИЙ НОМЛИ», «ВОСТОК» (кечқурун). САНЪАТ САРОЙИ (кеч 6 да).

Ғўзал ҳаёт — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» кеч (6, 9.45 минутда).

Ёшлик — бебошлик — «ДРУЖБА».

Асримиздан миллион йил илгари — «МОСКВА».

МОСКВАДА ДОИМИЙ ИШЛАШ УЧУН
тажрибали
ўзбек машинистлари
КЕРАК
Таклифлар билан 3-9-88-03 телефонга мурожаат қилинсин.

САНЪАТ САРОЙИДА
30 МАРТДАН
ҚЎЛГА ТУШМАС ҚАСОСКОРЛАРНИНГ ЯНГИ САРГУЗАШТЛАРИ
номли янги кенг форматли бадиий фильм
НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ
«МОСФИЛЬМ» киностудияси маҳсулоти.
Сценария авторлари — Эдмонд КЕОСЯН, Артур МАҚАРОВ.
Постановкачи — режиссёр — Ленин комсомоли мукофоти лауреати Эдмонд КЕОСЯН.
РОЛЛАРДА: Витя КОСИХ, Миша МЕТЕЛКИН, Вася ВАСИЛЬЕВ, Валя КУРДЮКОВА, И. ПЕРЕВЕРЗЕВ, К. СОРОКИН, С. ФИЛИППОВ ва бошқалар.
Сеанслар: 30 мартда эрталаб соат 10, кундуз 12, 2, 4 ва кеч 6, 8, 9.45 минутда;
31 мартда кундуз соат 4, кеч 6, 8, 9.45 минутда бошланади.
Коллетив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.
Справка учун телефонлар: 4.21.74, 4.20.34.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

1969 йил 3 апрель кундуз соат 2 да В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети биология фанлари илмий даражалар бериш бўйича илмий совети мажлисида (К. Маркс кўчаси, 35 уй, 133 аудитория) биология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

М. Л. Мансурова: «Псевдомонас авлодига кирувчи антогонистик бактерияларнинг ғўзада вертициллёз вилт қўзғатувчисининг баъзибир хусусиятларига таъсири» деган темада;

А. Н. Ливицкий: «Сувга сакраш вақтидаги ҳаракат малакаларининг шаклланиш процессидаги физиологик реакциялар ҳақида»-деган темада

Диссертациялар билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10 уй).

1969 йил 3 апрель кундуз соат 3 да Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг бирлашган илмий совети мажлисида (60 аудитория) қишлоқ хўжалик фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Ф. Сагдуллаев: «Госсипиум барбадензе Л. турдаги ғўзада шохлаш характерининг наслдан - наслга ўтиши ва бу характернинг хўжалик - қимматли хусусиятлар билан ўзаро боғлиқлиги» деган темада;

биология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

А. Юсупов: «Фосфор билан турлича таъминланган шароитда азотли ўғитлар формаларининг ғўза ҳосилдорлиги ҳамда физиологик-биохимик процессларига таъсири» деган темада

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин. (Тошкент области, Орджоникидзе район 4- уй).

7 апрель эрталаб соат 10 да Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий совети мажлисида (49-аудитория) техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Ю. А. Кенигсберг: «Ипак ўраш автоматлар сериясида мақсадга мувофиқ децентрализация усулда пилла пиширишни изланиши» деган темада

Диссертация билан институт кутубхонасида (2-Выборгский кўчаси, 5 уй) танишиш мумкин.

БАЛИҚЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
25 мартдан 10 июнгача
Чордара сув омборида балиқ овлаш
ТАЪҚИҚЛАНАДИ
«Узбекрыбвод»

ТОШКЕНТ «ШАРҚ» МЕБЕЛЬ ФИРМАСИ
дурадгорлар, дастгоҳчилар, пардозловчилар, шлифовкачилар ва прессчилар касбига ўқитиш учун 3 ойлик курсларга
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Камида 7 синф ҳажми маълумотига эга бўлган 18 дан 25 ёшгача бўлган ёшларни қабул қилади.
Машғулотлар: Москва, Ленинград, Рига, ва Краснодар шаҳарларининг мебель корхоналарида ўтказилади.
Ўқувчилар — стипендия, ётоқхона ва бепул билет билан таъминланадилар.
Кирувчилар: ариза, автобиография, паспорт, ҳарбий билет, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан справка, 4 та 3х4 ҳажмдаги фотосуратни топшириш лозим;
Аризалар — 15 апрелгача қабул қилинади;
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Магазин— мавзуи кўчаси, 254 уй (10, 14, 43, 56 автобусларнинг, 7,10 троллейбусларнинг «Трактор - йигув заводи» бекати)

«УЗГИПРОАВТОДОР»
ДАВЛАТ ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИГА
инженер ва техниклар; автомобиль йўллари, кўприк қурувчилар, архитектор-геолог, топографлар, сметачилар; қурилиш индустрия корхоналари технологлари, саноат корхоналарини вертикал планлаштириш ва генпланчилар, иқтисодчилар бухгалтерлар, машинистлар
КЕРАК
Мурожаат учун адреслар: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 17 уй, кадрлар бўлими.
Тошкент шаҳар, Байнал — минал кўчаси, 53 уй.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 24 МАРТ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—33-29,70, фан ва олий ўқув юртлари иллюстрация бўлимлари 33-27-57, ахборот бўлими —33-65-57; эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

Индекс 64579.
НАШР 2709
Р. 02816